

КОРХОНАЛАРДА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ АУДИТНИ ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРИ

Бухгалтерия ҳисоби кафедраси ассистенти
Ниятов Жаҳонгир Абдугаппор ўғли

Аннотация: Республикада амалдаги хусусий капитал таркибий элементларининг ўз маблағлари манбалари қийматига нисбатан улуши таҳлили (12-жадвалга қаранг) ва элементлар қийматининг йиллар давомидаги ўзгариши таҳлили ҳар бир модда бўйича алоҳида амалга оширилади. Бу тартибда таҳлил қилиш хусусий капитал қиймати ўзгаришининг қайси манбалар гуруҳи ҳисобига содир бўлганлигини аниқлаш имконини бермайди.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот, бизнес, бухгалтерия ҳисоби, хусусий капитал, капитал, стандартлар, баланс.

ANALYTICAL PRACTICES OF PRIVATE CAPITAL AUDIT IN ENTERPRISES

Assistant of the Department of Accounting
Niyatov Jakhongir

Abstract: Analysis of the share of existing private capital structural elements in the Republic in relation to the value of sources of own funds (see Table 12) and the analysis of changes in the value of elements over the years is carried out separately for each item. Analysis in this order does not allow to determine at the expense of which group of sources the change in the value of private capital occurred.

Key words: financial reporting, business, accounting, private equity, capital, standards, balance sheet.

Таҳлилий амаллар деганда аудитор томонидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, ҳамда бундай хатолар ва чалкашликлар-нинг сабабларини аниқлаш мақсадида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш тушунилади.

Таҳлилий амаллар молиявий таҳлилнинг таққослаш, нисбатлар ва коэффициентларни баҳолаш каби элементлари ва усулларидан фойдаланишни назарда тутди.

Таҳлилий амалларнинг энг кўп тарқалгани таққослаш бўлиб ҳисобланади. Бунда қуйидагилар таққосланади: турли даврлар учун счетлардаги қолдиқлар; молиявий ҳисобот кўрсаткичлари бизнес-режа кўрсаткичлари билан; ҳисоботнинг ҳар хил моддалар билан олдинги даврлар маълумотлари ўртасидаги нисбат; хўжалик юритувчи субъект молиявий кўрсаткичлари иқтисодиётнинг тегишли тармогидаги ўртача кўрсаткичлар билан; молиявий ахборотлар номолиявий ахборотлар (хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти тўғрисидаги унинг бухгалтерия ҳисоби тизимида бевосита акс этирилмайдиган маълумотлар) билан.

Таҳлилий амаллар ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганиш, ҳисобот маълумотларини ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини таққослаш, ҳисобот моддалари ва кўрсаткичларининг кескин фарқ қилиш сабабларини ўрганишни назарда тутди.

(12-жадвал)

Самарқанд вилоятидаги АЖ корхонаси хусусий капитал элементлари улушни таҳлили¹

(минг сўмда)

№	Элементлар	01.01.2018	Улуш (%)	01.01.2019	Улуш (%)	01.01.2020	Улуш (%)
1	Устав капитали	78460118	33,8	82705204	27,0	165410409	49,9
2	Қўшилган капитал	50169	0,01	3336448	1,1	3336448	1,0
3	Резерв капитали	35287391	15,2	52556002	17,2	63503325	19,2
4	Тақсимланмаган фойда	88230177	38,0	84544817	27,6	38784100	11,7
5	Мақсадли тушумлар	-	-	34356056	11,2	12874550	3,9
6	Келгуси давр харажатларига захира	30440724	13,1	48690118	15,9	47601630	14,4
7	Ўз маблағлари манбалари жами:	232468579	100,0	306188645	100,0	331510462	100,0
8	ХКнинг балансдаги улуши (%)	86,0	-	97,3	-	72,9	-
9	Баланс жами:	270400396	-	314813678	-	454475858	-

¹ Диссертант томонидан тузиб чиқилган Самарқанд вилоятидаги АЖ корхоналар мисолида

Хусусий капитал таркибий элементларининг ўз маблағлари манбалари умумий қийматига нисбатан улушлари ва уларнинг йиллар давомидаги ўзгаришини 12-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

(13-жадвал)

Самарқанд вилоятидаги АЖ корхонаси хусусий капитал элементларининг динамик таҳлили²

(минг сўмда)

№	Элементлар	01.01.2018	Ўсиш (%)	01.01.2019	Ўсиш (%)	01.01.2020	Ўсиш (%)
1	Устав капитали	78460118	90,9	82705204	5,4	165410409	100,0
2	Кўшилган капитал	50169	-	3336448	6550	3336448	-
3	Резерв капитали	35287391	2,2	52556002	48,9	63503325	20,8
4	Тақсимланмаган фойда	88230177	25,5	84544817	-4,2	38784100	-54,1
5	Мақсадли тушумлар	-	-	34356056	-	12874550	-62,5
6	Келгусидавр харажатларига захира	30440724	59,4	48690118	60,0	47601630	-2,2
7	Ўз маблағлари манбалари жами:	232468579	40,8	306188645	31,7	331510462	8,3
8	ХКнинг балансдаги улуши (%)	86,0	-	97,3	-	72,9	-
9	Баланс жами:	270400396	-	314813678	-	454475858	-

Хусусий капитал элементларининг йиллар давомидаги ўсиш кўрсаткичларини 13-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин. 12 ва 13 жадвал маълумотлари ҳам хусусий капитал қийматининг ўзгариши умумий ҳолда асосан қайси омил ҳисобига содир бўлганлигини баҳолаш имконини бермайди.

Хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби халқаро амалиётини тадқиқ қилиш жараёнида, унинг алоҳида стандарт билан тартибга солинмаслиги аниқланди. Бухгалтерия ҳисоби соҳасида амалда бўлган халқаро стандартлар талаблари тадқиқ этилган ҳолда хусусий капитал ҳисобини ташкил этишда асосий саналган стандартлар рўйхати 15-жадвалда келтириб ўтилган.

Бугунги кунда дунёнинг 160 дан ортиқ мамлакатлари мазкур стандартлар асосида хусусий капитал ҳисобини юритмоқда. Бу давлатларнинг аксарияти ривожланган мамлакатлар қаторида эътироф этилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

² Диссертант томонидан тузиб чиқилган Самарқанд вилоятидаги АЖ корхоналар мисолида

1. Shodiyevich, R. S. ., Xusniddin Qizi, J. S. ., & Zafar qizi, O. F. . (2024). Benefits of Social Networks in the Field of Services. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 3(2), 84–88. Retrieved from <https://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/1533>
2. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=2chddD8AAAAAJ&sortby=pubdate&citation_for_view=2chddD8AAAAAJ:vV6vV6tmYwMC
3. Ражабоев Ш. Ш. ПРАВИЛА УЧЕТА ПРИ ПРОЕКТИРОВАНИИ СТАРТАПОВ //ББК 65.29: 74.48 я431 П711. – 2023. – С. 26.
4. Sh R. S., Shodmonov T. S. POSITIVE AND NEGATIVE ASPECTS OF GLOBALIZATION //Теория и практика современной науки. – 2023. – №. 10 (100). – С. 15-18.
5. Sh R. S. USE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE ACCOUNTING OF ENTERPRISES //Теория и практика современной науки. – 2023. – №. 10 (100). – С. 19-23.
6. Umidov D. U., Sh R. S. APPLICATION OF PROGRAMS USED IN THE FIELD OF ACCOUNTING IN STARTUPS //ББК 65.29: 74.48 я431 П711. – 2023. – С. 31.
7. Ражабоев Ш. Ш. МОНИТОРИНГ И ОЦЕНКА УРОВНЯ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ ВО ВРЕМЯ УЧЕБНЫХ ЗАНЯТИЙ //Экономика и социум. – 2024. – №. 2-2 (117). – С. 585-591.